

**АВТОТРАНСПОРТ СОҲАСИДА МУНТАЗАМ ЙЎНАЛИШИДА
ИШЛАЁТГАН ҲАЙДОВЧИЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Жабборов Дилшод Бахромович

Жиззах политехника институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада йўловчиларга хабари бор мунтазам йўналишида ишилаётган ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлаши хусусиятлари талқин этилган ҳамда унинг амал қилиши тамойиллари ва разбатлантириши усуллари ўрганилган ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлаши хусусиятлари нуқтаи назаридан самарадорлигини ошириши бўйича илмий-амалий тақлифлар ишилаб чиқилган.

Таянч иборалар: тариф, ставка, ҳайдовчиларнинг асосий иши ҳақи, меҳнат учун разбатлантириши, алгоритм.

**IMPROVING THE PAYMENT OF DRIVERS WORKING IN THE FIELD
OF TRANSPORTATION IN THE FIELD OF MOTOR
TRANSPORTATION**

JABBOROV DILSHOD BAXROMOVICH

Senior teacher of Jizzakh Polytechnic Institute

Annotation: The article explains the features of remuneration for drivers working on regular routes, aware of passengers, and also develops scientific and practical recommendations for improving its effectiveness in terms of the characteristics of remuneration for drivers, studying its principles and methods of stimulation.

Basic terms: tariff, rate, base salary of drivers, incentives for work, algorithm.

Мамлакатимизда транспорт хизматларини кўрсатишнинг ҳар томонлама ривожланиши, бу борада инновацион механизмларни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳадаги ислоҳотларни янада чукурлаштиришда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қиласи. Унда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан

яхшилаш¹, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга заарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш; йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, ахоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш вазифаси белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.02.2019 йилдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармонига биноан Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилга ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш ва транспорт-логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона таъриф сиёсатини амалга ошириш ва бошқа бу борадаги муҳим вазифаларни бажариш кўрсатилган. Мазкур фармонда “Шаҳар, шаҳардан ташқари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензия бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришдан тушадиган давлат божи маблағаларининг 40 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши белгиланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.

Шу ўринда йўловчиларнинг хабари бор мунтазам (регулярный) йўналишида ишловчи автотранспорт восталари (автобус, митти автобус) ҳайдовчилари учун қоидага мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида вақтбай ва ишбай мукофот тўланиши қўлланилади. Эълон қилинган йўналиш жадвал бўйича ишловчи ҳайдовчилар учун вақтбай мукофот тизими ишланган соатлар учун асосий иш ҳақининг соатбай тариф ставкаси бўйича тўлаш ҳисобланади.

Бундай туркумдаги ҳайдовчилар учун қайсиким бирлашган, қўшма давлат корхоналарининг шаҳар (қишлоқ) бошқармасига қарашли шахсий мулкчилик турида тарифдаги маош миқдори 7-8 тариф даражасида белгиланади, бунда албатта ишчиларнинг меҳнат фаолиятидаги малакалари ва мутахассислик шароит ҳисобга олинади (автотранспорт воситаларининг узунлик ўлчови, йўналишларидағи мавжуд тармоқларда йўл ҳаракатидаги тезлик). Автотранспорт воситаларини бошланғич ҳаракат манзилларида автобус ишини тўлдириш учун йўналиш жадвали эълон қилинмаган йўналишларда ишловчи ҳайдовчилар учун нисбий-мукофот тизими қўлланилади.

Ушбу йўналишдаги тартибни қўллашда ҳайдовчиларнинг асосий иш ҳақи автотранспорт воситаси ичида йиғилиб, ҳисобга олинган вақт мобайнида вужудга келган фойданинг фоизларда ифодаланган миқдорида амалга оширилади. Ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган катталиги иш берувчилар ва улар (ҳайдовчилар) ўртасидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилади, шунингдек ишловчилар жамоавий шартнома ва якка ҳолатдаги меҳнат шартномасини ҳам қайд қилинишига эришишилари лозим. Йўловчи автотранспорт корхоналарини ҳайдовчи ходимлар билан таъминланиши, асосан давлат корхоналарини йўловчилар ташишдаги доимий йўналишдаги таҳлили шуни кўрсатдики ҳайдовчи ходимлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг даражаси ва тизимидан қониқмасликлари аён бўлмоқда. Бу йўналишида меҳнат бозорида ҳайдовчи ходимларга бўлган талаб уларнинг таклифларига ёки тақдимларига нисбанат анча юқоридан ва

бу борадаги талаб фақат вақтінчалик келгандар билан (яғни мигрантлар билан) асосан қониқтирилади. Йүловчилар хабари бор доимий йұналишларда ишлаётган ҳайдовчиларга ҳақ тұлашнинг юқоридаги нотугал шаклининг ҳаракатдаги тизимини аниклаб берувчи омилларидан бири ҳисобланади, бу эса үз навбатида белгиланған ҳақиқий амалдаги йұналиши тизимининг ва уларнинг меңнат фаолиятининг мураккаблигини ҳисобға олинмаганligидандир. Ҳақ тұлашнинг ҳаракатдаги тизимида фақат икки турдаги омиллар: техникавий (йүловчи автотранспорт востасининг габарит узунлиги ва йүловчи сиғдира олиш қобилияты) ва ташкилий (йұналиш бўйича ҳаракат вақтида амал қилиш ва жадвал бўйича қатновларни бажариш) эътиборга олинади.

Олиб борилған тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилған омиллар гурӯхи ёки тури ҳайдовчиларнинг ҳақиқий йұналишидаги (маршрут) қийинчиликлари катта фарқ билан жуда бўш ифодаланған.

Кўпгина ҳолларда кўрсатилған қийинчиликлар ташкилий-ҳаракат омиллари тури (гурӯх)га боғлиқ (йўл ҳаракатидаги тезкорлик, йўлнинг ўтказиш қобилияти чорраҳалардаги светофорни бошқарувнинг оралиқ вақти(частотаси) ва тўхташ манзиллари, тўхташ манзилларининг ўтказиш қобилияти, йұналишлардаги йүловчилар оқими, йұналишнинг масофасига ва мослашишига (конфигурация)нинг қайсиким меңнат ҳақ тұлашнинг ҳаракатдаги йұналишларида амалий тарзда эътиборга олинмаган.

Алгоритмларнинг меңнат фаолиятини ҳар томонлама ишлаб чиқилишининг кетма-кетлги автобус бошқарувидан андозавий ҳаракатининг (ёки шаклан ҳаракатининг) алгоритмини тузиш имокниятини вужудга келтиради, уларни мантиқий шароитларда бажарилишини (жадвал 2). Шунингдек автобусни бошқаришда алгоритмнинг муомилавий хусусиятларининг шаклини ёки андозасини ҳаётга татбиқ этиш лозимлигини кўрсатади (жадвал 1).

Жадвал 1

Автобус бошқарувидаги муомала хусусиятлари

Тартиб раками	Автобусни бошқаришдаги муомала қўришини
1.	Тўғри чизикли ҳаракат
2.	Доимий тезлек билан ҳаракатланиш
3.	Бекат жойдаги “хозиржавоблик”ка алмашиб киритилиши
4.	Бекат жойидаги “хозиржавоблик”дан “чўнтақдан” чиқилишининг алмашиниши.
5.	Бекат жойидан “хозиржавобсиз” “чўнтаксиз” алмашиб туриш
6.	Ўнгга бурилиш
7.	Чапга бурилиш Жойидан қўзғалиш
8.	Бекат жойидан “хозиржавоблик” бўлган ҳолда силжиш
9.	Бекатгача тўхтамоқ, секинлатмоқ
10.	Тезликни ошириш, юқори узатишга ўтиш
11.	Тезликни пасайтириш, пастки узатишга ўтиш
12.	Қайта сарфланиш
13.	Ўнгга равон, силлиқ бурилиш
14.	Чапга равон, силлиқ бурилиш
15.	Пастликка қараб ҳаракат
16.	Юқорига (дўнглик) қараб ҳаракат
17.	Ҳайдовчининг бекат жойидаги (тўхташ манзили) фаолияти

Бизнинг фикримизча автомобиль транспорти хизмати бозори ҳолатини баҳолаш, мунтазам йўналишида ишлаётган ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, унинг ўзгариш истиқболлари ва тенденцияларини таҳлил этиш бўйича тадқиқотларни олиб бориши натижасида тармоқнинг узоқ муддатли стратегияси, унинг жорий сиёсатига бевосита таъсир этади ҳамда молиявий, иш кучи ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга ва уни ривожлантиришнинг стратегик концепциясини такомиллаштиришга асос бўлади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.